



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Ёшлар ишлари агентлиги
директори ўринбосари**

Ж.Ходжаев

**«Ёшлар овози» танловининг саралаш ва ҳудудий босқичларини телевизион
форматда тасвирга олиш, монтаж қилиш ва тайёр
медиа-маҳсулотлар тайёрлашга доир
ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ
ҲУЖЖАТИ**

Тошкент 2022 йил

[Handwritten signature]

[Handwritten signature]

III. БОБ. ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАРГА ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРГА НАРХ ВА ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

1. Умумий маълумотлар

1.1. Тўлиқ номи: «Ёшлар овози» танловининг саралаш ва ҳудудий босқичларини телевизион форматда тасвирга олиш, монтаж қилиш ва тайёр медиа-маҳсулотлар тайёрлашга доир танлов ўтказиш.

1.2. Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги

1.3. Хизмат кўрсатиш: Буюртмачи томонидан ўтказилган танлаш натижаларига кўра аниқланади.

1.4. Хизматларнинг максимал нархи: ҚҚС билан 1 270 000 000 (Бир миллиард икки юз етмиш миллион) сўм.

1.5. Хизмат кўрсатиш муддати: **40 календарь кун ичида.**

1.6. Молиялаштириш манбалари: Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобидан.

2. Техник талаблар

2.1. «Ёшлар овози» танловининг саралаш ва ҳудудий босқичларини жараёнларини телевизион форматда тасвирга олиш:

2.2. Маҳаллаларда ўтказиладиган кастинг жараёнлари бўйича ҳар бир ҳудуддан ҳар бири 10 дақиқа давомийликда жами 14 телекўрсатув тайёрлаш;

2.3. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (жами 14 та ҳудуд) бўйича кастинг ўтказиш ва кастинг жараёнлари ҳақида ҳар бири 10 дақиқали 14 та кўрсатув тайёрлаш;

2.4. Танлов кастингида иштирок этган ҳар бир қатнашчининг 5 дақиқача бўлган чиқишини тасвирга олиш, монтаж қилиш ва фестивалнинг “Youtube” каналига жойлаштириш (14 та ҳудуд бўйича);

2.5. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар (жами 14 та ҳудуд) бўйича гала-концертларни ташкил этиш ва ҳар бирдан эфир учун 120 дақиқали концерт дастурини тайёрлаш;

2.6. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича ўтказиладиган гала-концерт жараёнларини акс эттирувчи 14 та 10 дақиқали кўрсатув тайёрлаш.

Иштирокчига қўйиладиган талаблар:

- 1 йилдан кам бўлмаган тажрибага эга бўлиши (тасдиқланиши шарт);
- Телевизион лойиҳалар ўтказиш бўйича тажрибаси мавжудлиги;
- Марказий телеканаллар эфири учун кўрсатув етказиб бериш тажрибаси (лойиҳалар рўйхати тасдиқланган ҳолда тақдим этилиши зарур).